ЎЗБЕК- ФРАНЦУЗ АЛОҚАЛАРИ ХАЛҚАРО МАДАНИЙ-ТАРИХИЙ ТАЖРИБАНИНГ УЗВИЙ БЎҒИНИ СИФАТИДА

Зульфия Бобоевна ДАВРОНОВА
Катта ўқитувчи
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Роман-герман филологияси факультети
Француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси
Тошкент, Ўзбекистон
zulfiyadavronova@mail.ru
+99897 746-08-34

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон – Франция муносабатлари ва маданий ҳамкорлик алоқаларининг қадимий манбалари, шунингдек, мамлакатларнинг халқаро глобаллашув шароитида интеграциялашувини ҳар томонлама кенгайтириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар кўрсатиб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг Франция билан ўрнатилган кўп қиррали муносабатларини ривожлантиришга асос бўлувчи маданий-маърифий имкониятлар ва сиёсий-ҳуқуқий базани таҳлил қилиш, ҳамкорликнинг тарихи ҳамда қадимий манбаларини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: маданият; ҳамкорлик; халқаро алоқалар; глобаллашув; интеграция; жамият; анализ; синтез.

УЗБЕКСКО-ФРАНЦУЗСКИЕ ОТНОШЕНИЯ КАК СВЯЗУЮЩЕЕ ЗВЕНО МЕЖДУНАРОДНОГО КУЛЬТУРНО-ИСТОРИЧЕСКОГО ОПЫТА

Зульфия Бобоевна ДАВРОНОВА
Старший преподаватель
Кафедра теории и практики французского языка
Факультет романо-германской филологии
Узбекский государственный университет мировых языков
Ташкент, Узбекистан
zulfiyadavronova@mail.ru

Аннотация

В статье освещается процесс развития международных отношений между Республикой Узбекистан и Французской Республикой в межкультурном контексте на основе древних источников в условиях международной глобализации.

В статье также рассматривается информация о процессе изучения этих источников и обсуждается история сотрудничества между Узбекистаном и Францией по созданию культурных и просветительских возможностей и политико-правовой базы.

Ключевые слова: профессионально-коммуникативная компетентность; переводческая деятельность; личностно-ориентированный подход; специфика; лингвистический; социокультурный.

UZBEK- FRENCH RELATIONS AS A BINDING PART OF INTERNATIONAL CULTURAL AND HISTORICAL EXPERIENCE

Zulfiya Boboevna DAVRONOVA
Senior teacher of the French theory
and practice department
Roman-German faculty
Uzbekistan State University of World Languages
Tashkent, Uzbekistan
zulfiyadavronova@mail.ru

Abstract

This article deals with the problems of discussing the attempts undertaken in the Republic on developing the process of Uzbekistan-France relations and cooperation in intercultural context on the basis of the ancient sources in the condition of international globalization.

It also contains information about the process of learning those sources and discuss the history of the cooperation between Uzbekistan and France on creating cultural and en lightenmental possibilities and political and legal basis.

Keywords: culture; cooperation; international relations; globalization; integration; society.

Бугунги дунё глобаллашув шароитида бир-биридан қочиб эмас, бир-бирига интилиб яшашдан манфаатдор ҳар қандай давлат ёки жамият ҳаётида халқаро муносабатлар қадимдан муҳим аҳамият касб этиб келган. Қадимий анъана ва тажрибаларга эга бўлган халқаро ҳамкорлик, мамлакатлараро иқтисодий-маданий айирбошлаш XXI асрга келиб тобора улкан моҳият касб этмоқда. Инсоният руҳиятида шаклланаётган оламни асраш, ҳаёт ва турмушнинг бошқа қадриятларини авайлаш туйғуси тобора кучайиб бормоқда. Ҳар қандай давлат ер шарининг қайси нуқтасида жойлашган бўлмасин, дунё халқлари ва мамлакатлари билан ҳамкорликсиз ўз истиқболини белгилай олмайди.

Шунинг учун ҳам бундай маънавий-руҳий, қолаверса, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий моҳият касб этадиган умумсайёравий эҳтиёжни назарда тутиб Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримов “.... инсоният тарихи маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди” (1, 296), деган эди. Бу дунё халқларининг бир-бирига интилиши, маънавий эҳтиёжларини умумжаҳон цивилизацияси ютуқлари асосида қондириш эҳтиёжидан келиб чиқадики, халқлар умуминсоний қадриятлар доирасидагина бўлса маънавиятли, ҳар томонлама баркамол, ахлоқий етук, сиёсий жиҳатдан юқори савияда бўлишига хизмат қилади.

“Халқаро алоқалар” тушунчаси мураккаб ва кенг қамровли, шу билан бирга, илмий тушунча сифатида асосан XIX аср охири XX аср бошларидан ўрганила бошланган ва унинг ягона, умумқабул қилинган таърифи йўқ. Халқаро

алоқаларда узоқ давр мобайнида давлат асосий ўрин эгаллаб келганлиги боис, аксарият таърифларда мазкур институт бош тушунча сифатида келади. Бироқ демократик тараққиёт ижтимоий муносабатларда жамоат ташкилотлари ва бошқа ижтимоий институтларнинг ҳам аҳамиятини ошириб юборди. Шу боис XX асрнинг охирларига келиб, тадқиқотчилар нисбатан кенгроқ таъриф беришга ҳаракат қила бошладилар. Масалан, тадқиқотчи Г. Х. Шахназаров халқаро муносабатларни “инсоний ҳамжамиятни шакллантирувчи интеграцион алоқалар мажмуи” деб ҳисоблайди (8, 19).

Француз социологи Р. Арон “халқаро муносабатлар, бу – сиёсий бирликлар, юнон полислари, Рим ёки Миср империялари, Европа монархиялари, буржуа республикалари ёки халқ деморкатиялари ўртасидаги алоқалардир. Халқаро алоқаларнинг мазмунини давлатлараро муносабатлар ташкил этади: давлатлараро шартномалар эса шак-шубҳасиз халқаро муносабатларга мисол бўла олади”, – дейди (2, 17). Р. Ароннинг ушбу фикрига қўшилмаганлар ҳам бор. Масалан, америкалик тадқиқотчи Д. Капоразонинг фикрига кўра, халқаро муносабатларнинг асосий иштирокчилари бугунги кунда давлатлар эмас, балки ижтимоий-иқтисодий гуруҳлар, синфлар ва сиёсий кучлардир (3, 36). Д. Сингер эса, масалага бихевиористик ёндашади, яъни, унинг фикрига кўра, халқаро муносабатларнинг барча иштирокчиларини – индивидлардан тортиб глобал уюшмаларгача – уларнинг халқаро майдондаги таъсир ўтказиш имкониятларига эътибор бермаган ҳолда ўрганиш лозим.

Римлик Страбон эса ўрганилмаган давлатлар ҳеч қанақа аҳамиятга эга эмас, деб ҳисоблайди:“Узоқда жойлашган ҳудудлар ва у ерларда яшовчи аҳоли, айниқса, Римга хавф солмайдиган ва ўз савдо-сотиқлари билан фойда келтирмайдиган ороллар халқлари, биз учун ҳеч қандай аҳамиятга молик эмас” (4, 31). Ушбу фикрни том маънодаги геосиёсий муносабатларнинг илк кўринишлари сифатида баҳолаш мумкин. Чунки Страбоннинг фикри географик мавжудликни Рим давлати манфаатлари негизида, яъни соф сиёсий муносабатлар нуқтаи назаридан баҳолаганлиги билан аҳмиятлидир.

XX асрда коммуникацияларнинг ривожланиши ҳамда ижтимоий муносабатлар интенсивлигининг ошиши, мазкур муносабатларни илмий тадқиқ этиш имкониятларининг кенгайишига олиб келди. Турли фанлар вакиллари, хусусан, социологлар ҳам ўз объектлари доирасида давлатлар ва халқлар ўртасидаги алоқаларнинг турли жиҳатларини кенгроқ тадқиқ эта бошладилар. Бу жараён, айниқса, XX асрнинг 50–60 йилларидан бошлаб, махсус “Халқаро муносабатлар” фани шаклланиши билан кенг ривожланди.

Бироқ, халқаро муносабатлар қадимдан шаклланиб келган ва давлатлараро муносабатларни оптималлаштириш имкониятларини тадқиқ этиш мобайнида антик давр мутафаккирлари эътиборини кенг жалб этган.

Антик давр мутафаккирларидан Афлотун халқаро муносабатларнинг давлатлар ижтимоий-маданий тараққиётидаги юксак аҳамиятини таъкидлаган ҳолда, “Қонунлар” асарида “Эзгу (яхши) қонунлари бор давлатда яшовчи инсон денгиз ва қуруқликда кезиб юриб доимо, бузилмаганларнинг изларини излаши зарур, токи уларнинг ёрдамида қонун-қоидаларнинг яхши томонини мустаҳкамлаб, камчиликлари эса тузатилсин. Кузатиш мақсадида ўтказиладиган бундай изланишларсиз давлат айтарли даражада барқарор бўлиши мумкин эмас, кузатишлар ёмон бажарилганида ҳам худди шундай бўлади”, – деб айтади (6, 413). Халқаро ва давлатлараро муносабатлар масалалари ўрта аср Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг ҳам назарларидан четда қолмаган. Хусусан, Ибн Рушд, Форобий ва бошқалар антик давр мутафаккирлари китобларига ёзилган шарҳларида мазкур масалаларга эътибор қаратганлар (5, 222). Ушбу даврда яратилган ва турли халқлар ўртасидаги муносабатлар ва мазкур муносабатларнинг ушбу халқлар ижтимоий-маданий тараққиётидаги аҳамиятини таҳлил этишга бағишланган асарлар сирасига Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” асарини ҳам киритиш мумкин. Мазкур асарида мутафаккир ҳинд халқи турмуш тарзи ва маданий ривожини тадқиқ этар экан, турли халқлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожига ҳам тўхталиб ўтган (7, 196).

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, халқаро сиёсий жараёнларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз миллий манфаатларига мос келувчи ташқи сиёсатни юрита бошлади. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари сифатида, “Биринчидан – ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлиги. Иккинчидан – тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик. Учинчидан – мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ҳамкорлик учун ошкоралик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик. Тўртинчидан – халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги. Бешинчидан – ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш” (1, 296) эканлиги белгилаб олинди. Ушбу тамойилларга мос равишда алоқалар кенг йўлга қўйилган мамлакатлардан бири Франция Республикасидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ўзбекистон – Франция ўртасидаги алоқалар янги босқичга кўтарилди. Европада жойлашган ҳамда жаҳоннинг илғор демократик давлати Франция билан халқаро алоқалар ўрнатиш тараққиётнинг демократик йўлини танлаган Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон – Франция муносабатлари бой қадимий тарихга эга жараёндир. Мазкур муносабатларни ўрганишда тарихий ёндашув нафақат ушбу муносабатлар, балки бошқа халқлар ўртасидаги муносабатларни ҳам оптималлаштириш имкониятларини ишлаб чиқишда тажриба вазифасини ўташи мумкин. Хусусан, ушбу муносабатларнинг ибтидоси ҳисобланмиш Амир Темур ва Франция қироллари ўртасидаги ёзишмаларда савдо-сотиқ ва маданий алоқаларни ривожлантириш, шу орқали ўз халқлари ўртасида дўстлик ва биродарликни ривожлантириш мумкинлигига эътибор қаратилади.

Амир Темур ҳам авлодларига насиҳат тарзида ёзилган “Темур тузуклари”да турли халқларнинг аҳволидан хабардор бўлиб туриш, “…ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизожидан воқиф бўлиб туриш” лозимлигини таъкидлайди. Соҳибқироннинг ўзи эса турли халқларнинг туриш-турмушидан хабардор бўлиб туриш мақсадида савдо карвонлари ташкил этади ва чет мамлакатларга юборади. “Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қаерга боришмасин, Хитой, Хўтан, Чину Мочин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон (Европа), у ерларнинг нафис матолари ва муносиб туҳфаларидан келтиришсин. Ўша мамлакатларда яшовчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, туриш-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келсинлар”.

Амир Темурнинг маданий тараққиёт йўлидаги буюк хизматларидан яна бири шундаки, турли халқлар ўртасидаги алоқаларнинг мазкур халқлар тараққиётига ижобий таъсир кўрсатишини англаган ҳолда, мутаассибликни енгиб ўтиб, бошқа динга эътиқод қилувчи мамлакатлар халқлари билан ҳам кенг ҳамкорликка интилади. Ҳар бир ишда отаси билан кенгашиб иш тутган шаҳзода Мироншоҳ насроний шоҳ ва шаҳзодаларига йўллаган мактубида буни алоҳида таъкидлайди: “…агар эътиқодимизда фарқ бўлса ҳам, бари бир, барчанинг манфаати, айниқса, савдогарларнинг манфаатлари йўлида дўстликни авайлашимиз даркор”. Бу фикрлар мусулмон мамлакатлар ҳукмдорлари томонидан миллий-маданий бағрикенглик сари ташланган дастлабки қадамлар эди.

Ушбу муносабатлар натижасида французлар Мовароуннаҳрни кашф этган бўлсалар, бизнинг аждодларимиз француз халқи ҳақида тасаввурга эга бўлган эди. Соҳибқирон Амир Темурнинг француз халқига юксак ҳурматини, унинг

Самарқанд атрофидаги гўзал гўшалардан бирини Париж шарафига Фориш деб номлаганидан ҳам кўрса бўлади.

Кейинчалик, юртимиз мустамлака ўлкага айлантирилиб, улуғ аждодларимиз асоссиз равишда тарих саҳифаларидан ўчиришга ҳаракат қилинган даврларда, айнан француз олимлари ва тадқиқотчилари томонидан Амир Темур ва темурийлар даври санъати ва маданиятининг жаҳон тарихида тутган ўрни кўрсатиб берилди. Бу саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, халқимизнинг ўз тарихидан ажралиб қолишининг одини олишга бирмунча кўмаклашди ва айтиш мумкинки, миллий маънавиятимизни сақлаб қолишга бир қадар туртки бўлди. Узоқ XV асрда Амир Темур Европани Боязид Йилдирим зулмидан халос этиб, унинг мустақил давлат сифатида сақланиб қолиши ва тараққий этишига ёрдам берган бўлса, XX асрда француз шарқшунослари собиқ иттифоқ зулмидан озор чекаётган, ўзлигини ва ўз тарихини йўқотиб бораётган ўзбек халқини маънавий жиҳатдан қўллаб турди, унинг тарихий шахслари, хусусан Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрнини дунё ҳамжамиятига эслатиб турди. Демак, Ўзбекистон ва Франция халқларининг ўзаро дўстона муносабатлари 500–600 йиллик тарихга эга. Бу ҳолатлар синовлардан ўтган тарих эканлигини кўрсатди.

Маълумки, ҳозирги демократик жамиятларга хос анъаналар, тамойиллар ва қадриятлар дастлаб Франция Республикасида, француз маърифатпарварларининг илмий-назарий қарашларида акс этган эди. Бугунги кунда ҳам француз халқи ўзининг демократик анъаналарга содиқлиги ҳамда юксак фуқаролик ва сиёсий маданияти билан жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эгадир. “Бизнинг назаримизда, Франция – инсоният руҳи улуғворлиги ва ақл зиёси рамзи, жаҳонга кўплаб атоқли арбоблар етказиб берган буюк мамлакатдир. Франция фақат ноёб маданият ва нафис санъат мамлакати, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафаси, инсонпарварлик билан йўғрилган адабиёт ва шеърият мамлакатигина эмас. Бизнинг наздимизда, Франция жаҳонга илк бор эркинлик, тенглик ва биродарлик сингари олий мақсадларни инъом этган замонавий демократия ватани ҳамдир”.

Буюк ипак йўлини ривожлантириш ва у орқали турли халқлар билан савдо-сотиқ ва маданий алоқаларни ривожлантиришда Амир Темур тарихига алоҳида тўхталиш лозим. Франциялик тадқиқотчи Люсьен Керен эътирофига кўра, “Темурнинг мақсади Ипак йўли аталмиш савдо йўлини бутун Оврупога чўзишдан иборат бўлган. Ўз зафарлари билан Темур шу йўлларнинг ташкилотчиси ва соҳиби бўлган”.

Соҳибқирон Амир Темур Франция ҳукмдори Карл VI билан ёзишмалар олиб борган, ўзаро элчилар алмашган. Айни пайтда давом этаётган ўзаро алоқалар Амир Темур замонида ҳам кун тартибида турган. Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VIга йўллаган мактубида шундай сўзлар бор: “…сиз савдогарларингизни биз томонларга юборсангиз, токи биз уларни қизғин, барча иззатларини ўрнига қўйиб кутиб олайлик. Бизнинг савдогарларимиз Сизнинг томонга борсалар ва уларга ҳам шундай иззат-икромлар кўрсатсангиз. Майли, улар ҳеч қандай хавф-хатарсиз, тўсиқларсиз йўл юрсинлар. Дунёни савдогарлар фаровон қиладилар, деган нақлни инкор қилиш бефойда”.

Бироқ Амир Темур мактубларини ўқир экансиз, уларнинг нақадар амалийлиги ва ҳаёт билан ҳамнафас эканлигини ҳис этасиз. Бу мактублардан умумий ғанимга қарши курашишда ҳамфикрлик ва бу саъй-ҳаракатларнинг натижалари яққол кўзга ташланади. Мактубларнинг бирида Амир Темурнинг Европага кўрсатилган буюк тарихий ёрдами ўз ифодасини топган. Франция қироли Карл VIга йўлланган мактубда қуйидагиларни ўқиш мумкин: “Дарвоқе, қудратингиз кўп юртларга ёйилганлигини яқинда Туркияда бўлганимизда эшитдик. Яна савдогарларнинг ва бошқа одамларнинг қизиқишларидан хабардор бўлдик. Саройингиз равнақи, қудрати ва тартиботи бизни кўп бахтиёр қилди. Мен билан бир қонун ва эътиқодга мансуб бўлган, лекин мен ва менинг дўстларим билан аҳдини бузган турк Боязид билан одамларингизнинг ғанимликларини эшитиб, уни тор-мор этишга қарор қилдик. Биродаримиз ҳимояси ва сизга берган ваъдаларимиз боис Туркиядаги умумий мухолифимиз Боязид устига юриш қилдик ва Оллоҳнинг мадади билан уни ва юртини забт этдик”.

Таниқли француз олими Э. Ланглэ “Темур тузуклари”ни 1787 йили, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарини чех олими Ф. Тауэр 1937 йили француз тилига таржима қилган. Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” асари 1658 йили (таржимон – В.Вате), Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си 1722 йили (таржимон – Ф.Пети де Круа) француз тилига таржима қилинган эди. Абдураззоқ Самарқандийнинг (“Матлаи саъдайн мажмаи баҳрайн”) “Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қуйилиш ўрни” асари 1715 йили (таржимон – А.Галлан), Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асари эса 1726 йили (таржимон – Б.Демизон) француз тилига таржима қилинди.

Бунинг устига француз тилида босилган “Шарқ анталогияси”ни тилга оладиган бўлсак, узун рўйхат пайдо бўлади.

Француз шарқшунослари тарихий манбалар таржимаси билан бир қаторда, Европада халқимиз ўтмиш мероси ва маданиятини янада тарғиб қилишга хизмат

қилувчи Амир Темур шахси, темурийлар даври маданияти ва тарихига бағишланган тадқиқотларни ҳам нашр этганлар. Атоқли олим А. Саидов ҳамда франциялик тадқиқотчи Л. Керен томонидан 1996 йили нашр этилган “Амир Темур ва Франция” номли илмий тўпламда баён қилинишича, 1822 йили таниқли француз олими Сильвестер де Саси Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI билан ёзишмалари тўғрисида мазмунли мақола ёзган.

Шунингдек, “Француз темуршунослиги жавонидан муносиб жой олган асарлар жумласига Санктийоннинг “Буюк Темурланг тарихи” (Париж, 1677), С. Мураджа Д. Охсоннинг “Чингизхондан Темурланггача мўғуллар тарихи” (Париж, 1852), Х.Моранвеллининг “Темурланг ва унинг сарой аҳли хотиралари” (Париж, 1894) Р.Марганинг “Темурланг тарихи” (Париж, 1739), Э. Блошенинг “Темурланг қабртошидаги битиклар” (Париж, 1897), Де Круазьенинг “Темурийлар даврида Самарқанд ёдгорликлари” (Париж, 1891), Ж. Капюнинг “Темурланг салтанати бўйлаб” (Париж, 1892), Ужфалви-Бурдонинг “Париждан Самарқандга” (Париж, 1880), Э. Галлуанинг “Темурланг пойтахтига саёҳат” (Лиль, 1898), И.Морелнинг “Самарқанд ёдгорликлари” (Лион, 1909), Х. Мозернинг “Марказий Осиё бўйлаб” (Париж, 1885), И. Блоннинг “Марказий Осиёга саёҳат чизгилари” (Париж, 1893), Л. Кауннинг “Осиё тарихига кириш” (Париж, 1896), Ж. де Риалнинг “Марказий Осиё ҳақида хотиралар” (Париж, 1875) кабилар киради.

XIX аср охирларида Туркистонга Г.Бонвало, Г.Кашо, Э.Блан каби француз тадқиқотчилари ўлкани ўрганиш учун келади. Француз экспедицияси Самарқанддан Бухоро орқали Амударёгача боради. Улар Зарафшон водийсини, қадимий шаҳарларнинг харобаларини кўрадилар. Сайёҳлар Францияга кўплаб санъат асарлари, Туркистоннинг табиий оламига доир намуналарнинг бой коллекциялари билан қайтадилар. Шундан кейин французлар минтақамизга шу олимлар нигоҳи билан қарайдиган бўлдилар. Туркистонга саёҳат қилган кўплаб олимлар уни Осиё маданиятининг олтин бешиги сифатида эътироф этдилар. Шу маънода тадқиқотчи Маркиз де Круазйенинг “Бухоронинг сўнгги амири. Туркистонга саёҳат” деб номланган эсдаликлари қимматлидир. Круазйе ўз асарида 1885 йилдан 1911 йилга қадар Бухорода ҳукмронлик қилган амир Абдулаҳаднинг сиёсий-психологик портретини ғоят маҳорат билан яратади.

Соҳибқирон Амир Темур ва унинг даврига қизиқиш Францияда XX асрда янада кучайган. Хусусан, Амир Темурнинг инсоният тарихида тутган ўрни ва мавқеи ҳақида ўнлаб илмий, тарихий ва бадиий асарлар яратилган. Л. Буванинг “Темурийлар цивилизацияси ҳақида қисса” (Париж, 1926), А. Дюрре ва Р. Фовелнинг “Самарқанд истеҳкоми” (Париж, 1901), А. Шампдорнинг

“Темурланг” (Париж, 1924), М. Першероннинг “Осиё ҳоқонлари” (Париж, 1951), Э. Берлнинг “Оврупо тарихи: Аттиладан Темурланггача” (Париж, 1946), Р. Груссенинг “Саҳро Соҳибқирони” (Париж, 1939); М. Брионнинг “Темурланг. Асрлар хотиралари” (Париж, 1963), В. Жерарнинг “Асрлар хотиралари. Темурланг” (Париж, 1963), Л. Кереннинг “Самарқанд жомеъ масжидининг нақшинкор ғиштлари” “Осиё журнал”(Париж, 1967), Ж. Убеннинг “Темурланг шаҳарларни қандай оларди” (Париж, 1963) ва “Чиғатой хонлиги ва Хуросон: 1334–1380” (Париж-Страсбург, 1976) каби асарлар темуршуносликка қўшилган салмоқли ҳиссадир.

Ҳозирги замон француз темуршунослиги намуналаридан Л. Кереннинг “Темурланг ёхуд Соҳибқирон салтанати” (Париж, 1978), “Темурланг даврида Самарқанд йўли” (Париж, 1990), Ж.П.Рунинг “Темурланг” (Париж, 1991) ва “Бобур” (Париж, 1986), В. Фурниенинг “Марказий Осиё тарихи” (Париж, 1994) ва унинг таҳрири остида “Самарқанд 1400–1500: Темурланг пойтахти: салтанат ва Уйғониш юраги” (Париж, 1995) номли китоб, “Бобурноманинг Ж. Л. Бакэ Грамон таржимаси (Париж, 1986), “Улуғбек – астрономия султони” (Париж, 1994) номли тўплам ва бошқа рисола ҳамда асарларни санаб ўтишнинг ўзи кифоя.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, франциялик шарқшунослар диёримиздан етишиб чиққан буюк шахслар тўғрисида кўплаб асарлар битганлар. Ҳали шўролар давлати барқарор, Амир Темур тўғрисида очиқ ҳақиқатни айтиш ғоят қийин бўлган бир замонда, яъни 1987 йил 22 мартда Парижда темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш учун ўзбек-француз маданий ҳамкорлиги уюшмаси тузилган эди.

Икки давлат алоқаларини ривожлантириш имкониятлари тўғрисида сўз юритар эканмиз, мазкур алоқаларни ривожлантириш – глобал характерга эга бўлган муаммоларни ҳал қилишга ҳам хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон. 1997. – 296 б.
2. Aron R. Paix et guerre entre les nations. – Paris: 1984. – 17 p.
3. Caporaso J. Dependence; Dependecy and Power In the Global System: A Structural and Behavioral Analisis //International Organisation. 1979, №10. – 36 p.
4. Cohen S.B. Geography and Politics in a Divided World. – Hardcover: Import. – 1964. 30–31 p.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. – 222 б.
6. Афлотун. Қонунлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 413 б.
7. Беруний Абу Райҳон. Ҳиндистон. Танланган асарлар. – Тошкент, 2002. – 196 б.
8. Шахназаров Г. Х. Грядущий миропорядок. – Москва, 1981. –19 с.